

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ БАЖАРИШ, ТАЙЁРЛАШ ВА
РАСМИЙЛАШТИРИШ**

5230200 – “МЕНЕЖМЕНТ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН


УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Жиззах – 2019

Услубий кўрсатма 5230200-“Менежмент” таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун битирув малакавий иши бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган.

Услубий кўрсатма “Менежмент” кафедрасининг 2019 йил “ 9 ”
03 даги 13 -сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.


“Менежмент”
кафедраси мудири:



и.ф.н. С.Абдуназаров

Услубий кўрсатма Жиззах политехника институти “Сервис” факультети Кенгашининг 2019 йил “ 23 ” 03 даги 8 -
сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

“Сервис”
факультети декани



п.ф.д. доц.Ж.Ҳамидов

Услубий кўрсатма Жиззах политехника институти илмий-услубий Кенгашининг “ 29 ” 03 2019 йилдаги 7 -сонли мажлисида кўриб чиқилган ва ишга тавсия этилган.

Жиззах политехника институти
илмий-услубий кенгаш раиси

М.Сиддиқов

ТУЗУВЧИЛАР:

доц. Ф. Эгамназаров



М.Сиддиқов
Ж.Насриддинов
Д.Жабборов

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. Тошкент ДАҚИ “Менежмент” кафедраси мудири и.ф.н. доц. Давлетов И.Х
2. “Имконият авто сервис” МЧЖ раҳбари Му сурманов А.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
I. Битирув малакавий ишини бажарилиш тартиби	4
1.1. Битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари.....	4
1.2. Битирув малакавий ишининг мавзуси.....	4
1.3. Битирув малакавий ишини бажаришга раҳбарлик қилиш.....	5
1.4. Битирув малакавий ишини бажарилиши.....	6
1.5. Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш.....	7
II. Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми.....	8
2.1. Битирув малакавий ишини тушунтириш қисмининг таркиби.....	8
2.2. Битирув малакавий ишининг график қисмини расмийлаштириш ва қўйиладиган талаблар.....	11
III. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	12
IV. Иловалар.....	15

КИРИШ

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестация тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9-июндаги 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилди.

I. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНING БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

1.1. Битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишини бажариш 5230200 – “Менежмент” таълим йўналиши бакалаврият талабаларини ўқитишнинг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади. Битирув малакавий ишида бакалавр барча фанлар бўйича олган билимларини қўллашни талаб этувчи касбга оид масалаларни ҳал этади.

Битирув малакавий ишини бажаришдан мақсад:

-таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

-ижодий ишлаш, ишлаб чиқиладиган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

-замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрлигини таъминлаш.

1.2. Битирув малакавий ишининг мавзуси

Битирув малакавий ишининг мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболий ривожланишини ақс эттириши лозим.

Битирув малакавий ишининг мавзуси “Менежмент” кафедраси томонидан (кейинги ўринларда кафедра) белгиланади ва факультет Кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Битирув малакавий иши мавзусининг йиллик рўйхати битирув олди амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида кафедра томонидан эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибида) **Битирув малакавий иши** мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўловчи буюртмачи ташкилот зарурий асослар билан битирув малакавий ишлари мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Битирув малакавий иши мавзуси ва раҳбарини талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага битирув малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради.

Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ битирув малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

1.3. Битирув малакавий ишини бажаришга раҳбарлик қилиш

Битирув малакавий ишига раҳбарлар институтнинг профессор ва доцентлари ёки бошқа илмий муассаса олимлари ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Битирув малакавий иши раҳбари:

- топшириқ беради;
- битирув малакавий ишининг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказиши;
- битирув малакавий ишининг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган битирув малакавий ишининг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Битирув малакавий иши раҳбарининг таклифига биноан, кафедра минтакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг бўлимлари бўйича консултантлар этиб, олий ўқув юртинининг профессорлари ва доцентлари, илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширадilar.

Кафедра **битирув малакавий ишига** қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Битирув малакавий иши берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Битирув малакавий ишининг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва ҳулосалар билан ёритилади. **Битирув малакавий иши**да илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин.

Тушунтириш қисми (пояснительная записка) **битирув малакавий ишининг** мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаши лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмга графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган дискеталар илова этилиши мумкин. Тушунтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ДТСлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда ёки техника воситалари ёрдамида бажарилади.

Кафедранинг тавсиясига биноан **битирув малакавий иши** чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилида бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

1.4. Битирув малакавий ишининг бажарилиши

5230200 –“Менежмент” таълим йўналиши бакалаврлари учун битирув малакавий иши сифатида тайёрланиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-847 сонли Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 31 июлдаги 16/226 сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассаларида диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида” ги НИЗОМ га асосан бажарилади.

Битирув малакавий иши кафедранинг махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, битирув малакавий ишини мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда ҳам бажарилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини факультет деканати назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба битирув малакавий ишининг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири битирув малакавий ишининг тайёрлик ҳолатини белгилайди. Шу мақсадда кафедрада ҳар бир битирувчи кесимида битирув малакавий ишининг бажарилиш мониторинги ташкил этилиб, унинг бажарилиш ҳолати раҳбарнинг ҳафталик ҳисоботлари асосида фоизларда аниқлаб борилади.

Талаба - иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, битирув малакавий ишида кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

Битирув малакавий ишини бажариш босқичларида белгиланган муддатлардан кечикиш ҳоллари аниқланганда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кафедра мудирини томонидан белгиланади.

1.5. Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган **битирув малакавий иши** талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар ишнинг қўйилган талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, битирув малакавий ишини ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудирини, тақдим этилган материаллар асосида, **битирув малакавий ишини** талаба томонидан ДАК да ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар, кафедра мудирини талабанинг битирув малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритиладиган битирув малакавий иши тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларга иш берувчи ёки бевосита битирув малакавий ишига тегишли бўлган ташкилотларнинг соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий ўқув юртининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани битирув малакавий ишини ўз тақризи билан ҳимоя учун ДАК га юборади.

Битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртининг битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Архив, ахборот-ресурс маркази ва кафедрада сақланаётган ёки интернет ресурсларидан фойдаланиб, айнан кўчириб олинганлиги ҳимояга тасдиқланган битирув малакавий ишлари кафедра мудирини тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилинади ва битирувчига қониқарсиз баҳо қўйилиб, битирув малакавий иши раҳбари кейинги уч йил давомида битирув малакавий ишига раҳбар этиб тайинланмайди.

Битирув малакавий иши ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича битирув малакавий ишини бошқаларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва хоқозо), ишдан нусха олинади (ишнинг асл нусхаси олий ўқув юртида қолдирилади).

II. Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми.

Битирув малакавий ишининг таркиби тушунтириш ва график қисмларидан ташкил топади.

2.1. Битирув малакавий иши тушунтириш қисмининг таркиби

- Мундарижа
- Кириш
- Назарий қисм
- Таҳлил қисми
- Хулоса қисми
- Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми
- Хулоса
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
- Иловалар

Тушунтириш қисми кўлда бажарилганда варақнинг чап томонидан 20мм, тепа, паст ва ўнг томонидан 5 мм дан қолдирилиб рамка чизилади. Рамканинг пастки томонига 15 мм масофада тушунтириш қисмининг ҳар бир варағини белгиланган тартибда расмийлаштириш учун кичик рамка туширилади.

Мундарижада битирув малакавий ишининг барча бўлимлари номлари ва уларнинг бошланиш варақ рақамлари келтирилади.

Киришда мавзунинг долзарблигини асослаш, битирув малакавий ишида кўриб чиқиладиган муаммолар, мақсад ва вазифалар акс эттирилиши керак. Ушбу маълумотлар битирув малакавий ишиларнинг барча қисмларида бир хилдаги изчилликда берилиши шарт. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида қуйидагилар берилади:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари;
- муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси;
- тадқиқотда эришилган илмий ва амалий натижалари;
- тадқиқот предмети;
- тадқиқот объекти;
- амалий аҳамияти (3-4 бет).

7. Биринчи бобда мавзунинг умумий назарий масалалари, тадқиқот предмети ва объектининг қисқа тавсифномаси берилиши керак. Мазкур бобда қуйидаги параграфлар ўзаро мантиқий изчилликда берилади:

- тадқиқот объектининг функциялари, вазифалари ва соҳаси;
- ташкилий тузилма, бошқарув тизими, унинг ташқи ва ички алоқаларининг ўзига хослиги;
- тадқиқот объектида мавжуд камчилик ва муаммолар;

— муқобил вазифаларни назарий ва амалий ҳал этишнинг умумий қоидалари.

8. Иккинчи бобда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материал асосида тадқиқот объекти ташкилий тузилмасининг энг мақсадга мувофиқ қурилиши далиллар ёрдамида асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, такомиллаштириш йўллари, тавсия этилаётган қарорларнинг самарадорлиги аниқланади.

9. Учинчи бобда кўрилаётган масаланинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, талабанинг амалиёт даврида тўплаган материаллари асосида тадқиқот объектида мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлари ва тавсиялари асосланиши керак. Тажриба орттириш вақтида йиғилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган материаллар талабага ҳал қилинмаган масалаларни, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хулоса чиқариш имконини беради. Шундай қилиб, учинчи боб битирув малакавий иши мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

10. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлимида ташкилот ишларини олиб бориш жараёнида алоҳида бир иш тури учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалалари кўриб чиқилади ва қўлланилган чора-тадбирлар ечими келтирилади.

11. Хулоса қисми битирув малакавий иши умумий ҳажмининг 10 - 15%ини ташкил қилади. Ишнинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан тугалланиши мумкин, аммо улардан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса бўлимида акс эттирилиши керак.

Битирув малакавий иши мазмунига кура қуйидаги масалаларни камраб олиши керак:

— танланган мавзунинг назарий аҳамияти, долзарблиги ва уни таълим муассасаси ва ташкилотларида амалий қўллаш;

— муаммо, унинг махсус адабиётларда ишлаб чиқилиш даражаси ва амалий ҳал қилиш усуллариининг берилиши;

— тадқиқот объектларидаги мавжуд ҳолатни баҳолаш ва муаммони ҳал қилишнинг асосий йўналишлари бўйича хулосалар чиқариш;

— қабул қилинган қарорни илмий педагогик жаҳатидан асослаш;

— тадқиқот натижаларини татбиқ этиш бўйича таклифлар бериш.

12. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати дастлаб ишда таянилган Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, фармойиш ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиш ва қарорлари, меёрий ҳужжатлар, фойдаланилган ўзбек тилидаги, хориж тилидаги адабиётлар ҳамда энг сўнггида Интернетдан олинган маълумотлар манбалари келтирилади.

Изоҳ: Битирув малакавий ишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тушунтириш қисмининг таркибига ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тушунтириш қисмини расмийлаштириш ва унга қўйиладиган талаблар.

- 1. Титул варағи** (кафедра томонидан белгиланган тартибда) (илова- 1).
- 2. Битирув малакавий ишини бажариш учун кафедра томонидан берилган топшириқ** (белгиланган тартибда, талаба, БМИ раҳбари, консультантлар томонидан имзоланган ҳамда кафедра мудири томонидан тасдиқланган) (илова-2).
- 3. Битирув малакавий ишининг тушунтириш қисми** матни компьютерда А4 бичимдаги (210×297 мм) бир хил навдаги (80 г/м²) оқ қоғознинг бир тарафига “WORD” тизимида “Times New Roman” шрифтда 1,5 интервалда ёзилади, кегель14.

Битирув малакавий ишининг ҳажми 10-15 минг сўздан иборат бўлиши лозим. Битирув малакавий ишида иловалар келтирилган бўлса, улар кўрсатилган ҳажмдан мустасно.

Битирув малакавий ишининг бетларида қуйидагича хошия қолдирилади: чапдан – 30 мм, юқоридан – 20 мм, ўнгдан – 15 мм ва пастдан – 20 мм. Бетлар рамкага олинмайди.

Битирув малакавий ишининг барча бетлари рақамланади. Зарварақ 1-бет ҳисобланади, аммо унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга “2” рақами қўйилади. Бет рақамлари варақнинг паст хошиясининг ўрта қисмига қўйилади. **Битирув малакавий ишида** ҳар бир бўлим (боб) янги бетдан бошланади.

Бўлимларнинг сарлавҳаси бош ҳарфлар, кичик бўлимлар сарлавҳаси эса кичик ҳарфлар билан қаторнинг ўртасига ёзилади. Кичик бўлимлар таркибига кирувчи бўлимчаларнинг сарлавҳаси эса кичик ҳарфлар билан янги қатордан ёзилади. Сарлавҳада сўзларни бўлиб, кейинги қаторга ўтказиш мумкин эмас. Бўлим ва кичик бўлим сарлавҳаси охирига нуқта қўйилмайди. Сарлавҳа ва матн орасида 3-4 интервал қолдирилади. Сарлавҳа остига чизилмайди. Матн янги қатордан 8 белги қолдирилиб, абзацдан бошланади.

Бўлим сарлавҳалари **битирув малакавий ишининг** бошидан охирига қадар бир тартибда рақамланади, масалан 1., 2., 3. ва ҳ.к. Ишнинг “Аннотация”, “Кириш”, “Хулоса” “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ва “Иловалар” қисмлари рақамланмайди. Ҳар бир бўлимдаги кичик бўлимлар бўлим доирасида рақамланади, масалан “2.3.”, “3.4.” ва ҳ.к.

Битирув малакавий ишида жадваллар, чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар, расмлар худди матнлар сингари А4 бичимдаги оқ қоғознинг бир бетига бажарилади ёки ёпиштирилади. Иллюстратив материаллар ишда ҳар бир бўлим доирасида рақамланади, масалан “3.4-расм”, “3.4-чизма”.

Битирув малакавий ишида рақамли материаллар қуйидаги шаклда **жадвал** сифатида берилади:

(жадвалнинг номи)

					Графа номи Кичик графа номи
					Қаторлар

Қаторлар учун графа У с т у н л а р

1.1-расм. Жадвалнинг намунавий кўриниши

Жадвалнинг сарлавҳаси бош ҳарф билан ёзилади ва унинг остига чизилмайди. Жадваллар бўлим доирасида рақамланади, масалан “3.4-жадвал”. Агар жадвал катта бўлиб, бир бетга жойлашмаса, у иккига бўлинади ва иккинчи ярми кейинги бетга туширилади. Унинг юқориги ўнг қисмига “3.4-жадвалнинг давоми” деб ёзилади. Жадвалдаги графалар ва қаторларнинг номи бош ҳарфлар билан бошлаб ёзилади, кичик графа ёки қаторлар номи эса кичик билан ёзилади.

Матнда ишда келтирилган барча иллюстратив материаллар, жадваллар (1.1-расм) ҳамда, агар берилган бўлса, иловаларга таянилади ва улар оддий матн кўринишида ёки қавс ичида кўрсатилади, масалан (3.1-расм), (2-илова), (3.6-жадвал) ва ҳ.к.


Матнда таянилган адабиётлар рақами унинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”даги рақамига мувофиқ тўрт бурчак қавсларда келтирилади, масалан [1], [14] ёки адабиёт муалифининг номи ва унинг нашр йили кўрсатилади. Муаллифнинг номи матнда келтирилган ҳолларда унинг исми-шарифи фамилиясидан олдин ва асарнинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” даги рақами ёки унинг нашр йили тўрт бурчак қавс ичида келтирилади. битирув малакавий ишида иловалар келтирилган бўлса, улар бир тартибда рақамланади, масалан (1-илова), (2-илова) ва ҳ.к.

2.2. Битирув малакавий ишининг график қисмини расмийлаштириш ва кўйиладиган талаблар.

1. Битирув малакавий ишининг график қисми жами 5-6 варақ, А2 форматда ишланган чизмалар тўпламидан ташкил топади. График қисм расмийлаштириладиган варақнинг чап томонидан 20 мм, тепа, паст ва ўнг томонидан 5 мм дан қолдирилиб рамкага олинади. Ҳар бир варақнинг ўнг пастки бурчак қисмида стандарт бўйича бурчак штампи (2.2-расм) чизилади ва кўйилган талабга асосан тўлдирилади.

2. Чизмалар ва ёзувлар давлат стандартлари талабларига риоя қилинган ҳолда қаламда (ёки тушда) бажарилади. Шу билан бирга чизмаларни компьютерда бажарилган вариантларига ҳам рухсат этилади.

3. Битирув малакавий ишини ҳимоя пайтида талаба томонидан чизма график материалларга қўшимча слайдлар, кадоскоп плёнкалари (БМИнинг мазмуни бўйича) тайёрлаб намоиш этилиши мумкин.



2.2-расм. Бурчак штампи ўлчамлари

Юқоридаги кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилган ва кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтган битирув битирув малакавий иши **жилд билан муқоваланади**. Жилднинг иккинчи охири бетида конверт ёпиштирилади ва унга битирув малакавий ишининг электрон варианты, битирув малакавий иши раҳбарининг хулосаси, ишга олинган тақриз ва кафедра мажлис баёнидан кўчирма 1 нусхадан жойлаштирилади.

III. Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Битирув малакавий ишида “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да адабиётлар алфавит тартибида қуйидаги шаклда берилди:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017–592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: Адолат, 2018 й. – 692 бет

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар

6. Абдукаримов И.Т ва бошқалар “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” Тошкент 2003

7. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарқ” 1998

8. Вахобов А.Б. ва б. “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Шарқ:, Тошкент 2007

9. С.Фуломов "Менежмент ва бизнес асослари", Тошкент. "Шарқ", 2008 йил.

10. М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов “Иқтисодий таҳлил” Т:,2011 йил

11. Х. Раҳимова ва бошқалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т, “Ўзбекистон” 2003

12. А.В.Вахобов “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Т.2006 йил

13. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

14. Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти: Маъруза матнлари – Т.: ТДИУ, 2005

15. Ақромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003.-223 б.

16. Фуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” Тошкент 2003

17. Ш. Зайнутдинов ва бошқалар “Персонални бошқариш” Тошкент 2008

18. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А “Менежмент” Т, “Ўқитувчи” 2001

19. Фуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т: «Китоб», 2006

20. И.Абдукаримов "Молиявий ҳисоботни уқиш ва таҳлил қилиш йуллари" Тошкент. "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2012й.

21. М.Баканов "Теория экономического анализа" Москва. "Финансы и статистика", 2011 год.

22. В.Беганов "Особенности бухгалтерского учёта в акционерных обществах", Ташкент. "Мир экономики и права", 2013 год.

23. А.Шеремет "Методика финансового анализа", Москва, ИНФРА, 2011 год.

IV. Электрон таълим ресурслари

24. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

25. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Кўмитаси сайти)

26. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси)

27. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси)

28. www.mf.uz. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

ИЛОВАЛАР

Илова -1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАК раиси

Менежмент каф. мудир

“ _____ ” _____ 2019 йил

С. Абдуназаров
“ _____ ” _____ 2019 йил

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Мавзу:

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ТАРКИБИ

Тушунтириш қисми _____ бет

График қисми _____ варақ

Талаба:

Битирув малакавий иши раҳбари:

ҚИСМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. Назарий қисм..... _____
2. Таҳлил қисми..... _____
3. Хулоса қисми..... _____
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги _____

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. _____

2. _____

ЖИЗЗАХ-2019 йил

Илова -2

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**СЕРВИС ФАКУЛЬТЕТИ
“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ**

**ТАСДИҚЛАЙМАН
“МЕНЕЖМЕНТ”**

кафедраси мудир С. Абдуназаров
“ ” _____ 2019 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

ТОПШИРИҚ

Талаба : _____

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси :

Битирув малакавий иши мавзуси институт ректорининг “_____”
_____ 2018 йилдаги _____ сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати. ”_____” _____ 2019 йил.

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир маълумотлар: амалдаги битирув малакавий ишини бажариш учун меёрий хужжатлар, ўқув қўлланмалари ва битирув олди амалиётида тўпланган маълумотлар.

4. Диплом лойиҳаси тушунтириш қисмиининг таркиби:

- Кириш
- I-боб назарий қисм
- II -боб корхонага тавсифнома

- III -боб таҳлил қисми
- хулоса қисми
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Изоҳ: битирув малакавий иши тушунтириш ёзувининг ҳажми камида 10-15 минг сўздан иборат бўлиш шарт.

5. Битирув малакавий ишининг график қисми таркиби:

- Корхонанинг бошқариш тузилмаси
- Корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари
- Таҳлил қисмидаги жадваллар, диаграммалар ва схемалар

Изоҳ: битирув малакавий иши график қисми 5-6 варақдан иборат бўлиш шарт.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Топширик берилганлиги хақида белги (имзо, сана)	Топширикни бажарилганлиги хақида белги (имзо, сана)
1.	I-боб назарий қисм			
2.	II -боб корхонага тавсифнома қисми			
3.	III -боб таҳлил қисми			
4.	Хулоса қисми			
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги			

7. Битирув малакавий ишининг бажарилиш режаси:

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси (имзо)
1.	I-боб назарий қисм		
2.	II -боб корхонага тавсифнома қисми		
3.	III -боб таҳлил қисми		
4.	Хулоса қисми		
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги		

Битирув малакавий иши раҳбари:

_____ (фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: _____
(талабанинг фамилияси, исми шарифи), (имзо)

Топшириқ берилган сана: “ _____ ” _____ 2018 йил

Илова-3

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СЕРВИС ФАКУЛЬТЕТИ

“Менежмент” кафедраси битирувчиси _____ гуруҳи талабаси
_____нинг битирув малакавий ишига раҳбарининг

ТАҚРИЗИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

1. Битирув малакавий ишининг ютуқ ва камчиликлари _____

2. Битирув малакавий ишига қўйилган баҳо:

3. Битирув малакавий ишини бажарувчига баҳо: _____

4. Умумий хулоса (*Битирув малакавий ишининг топшириққа мослиги, қўйилган талабларга жавоб бериши, ҳимоя қилиш имконияти*):

Битирув малакавий ишининг раҳбари _____
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

201__ йил “__” _____

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СЕРВИС ФАКУЛЬТЕТИ

“Менежмент” кафедраси битирувчиси _____ гуруҳи талабаси
_____нинг битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА
ХУЛОСА**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ:

Такризнинг битирув малакавий ишга қўйган баҳоси

“ _____ ”

Такризчи:

(Такризнинг иш жойи, лавозими, Ф.И.Ш.)

“ _____ ”

2019 йил

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СЕРВИС ФАКУЛЬТЕТИ

“Менежмент” кафедраси битирувчиси _____ гуруҳи талабаси
_____ нинг битирув малакавий ишига
факультет декани томонидан берилган

ТАҚРИЗ

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА
ХУЛОСА

Факультет декани

“ _____ ” _____ 2019 йил

МУНДАРИЖА

т/с	Бўлим номи	Бет
	КИРИШ	2
1-БОБ.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш	3
1.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг молиявий мунособатлари ва унинг аҳамияти	3
1.2.	Молиявий ресурслар ва уларнинг шаклланиши	15
1.3.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни молиялаш манбалари	21
2-БЎЛИМ.	“Бобур-Қалия” МЧЖнинг фаолиятини баҳолаш	27
2.1.	Корхонанинг ташкил топиши ва бошқаруви кўрсаткичлари	27
2.2.	“Бобур-Қалия” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили	37
2.3.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	46
3-БЎЛИМ.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Бобур-Қалия” МЧЖнинг молиявий аҳволи таҳлили ва уни мустаҳкамлаш	48
3.1.	“Бобур-Қалия” МЧЖнинг 2016 – 2018 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили	48
3.2.	“Бобур-Қалия” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги асосий воситалар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар таҳлили	56
3.3.	“Бобур-Қалия” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги харажат ва даромадлари билан боғлиқлиги, молиявий натижалари ва рентабеллиги таҳлили	67
	ХУЛОСА	68
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72
	ИЛОВА №1	74
	ИЛОВА №2	

